

Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари

М.С.Хамроев, Очилова Д Фаппоров С

Суғурта хизматларининг ривожлантириб борилиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига хизмат қиласди. Чунки ушбу хизмат турлари орқали юридик ва жисмоний шахслар фаолиятларида тури кутилмаган йўқотишларнинг молиявий таъминоти яратилиди. Шу орқали суғурта хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнидаги қиймат яратиш муносабатларининг бардавомлигини молиявий қўллаб-куватлашга бевосита хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабхаларида тизимли ислоҳотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Бугунги кунда хизматлар ва хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Давлат томонидан қўллаб-куватлаш сиёсатини амалга ошириш, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рафбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди. Тан олиш керакки суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши ҳозирда сезиларли улушда эмас, лекин хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши тобора ортиб бу ҳолат суғурта хизматларининг улушкини ошиб боришига йўл очиб беради. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ривожланган давлатларда юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида учраши кутилаётган рискларнинг 90-95% ини суғурталайдилар, бизда эса бу кўрсаткич юкори эмас. Шу сабабли юридик ва жисмоний шахслар мулкини каттагина қисмида суғуртавий ҳимоя таъминланмаган. Буларнинг барчаси миллий суғурта хизматлари бозоридаги суғурта ташкилотларининг мижозларни жалб қилиш учун суғурта кўламининг мавжудлигидан ҳамда пул маблағларини жойлаштириш ва тўплаш мумкинлигидан далолат беради.

Миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш давлатнинг, аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларни ҳимоя қилишининг самарали механизми ва узоқ муддатли инвестицияларнинг ишончли манбани шакллантириш сифатида суғурта ролини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Республика бўйича 2017-2021 йилларда хизмат соҳаларини асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига мувофик, 2019 йилда молиявий хизматлар таркибида суғурта хизматлари 2.2 марта гача ўсиши белгиланган. 2019 йилга бориб, мамлакат ЯИМда хизматларнинг улушкини 55% гача ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясида миллий суғурта бозоримизни ривожлантириш ва келгусида суғурта компаниялар фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилди:

- босқичма-босқич сұғурталовчилар низом жамғармаларининг минимал миқдори талабини ошириб бориш белгиланди;
- ҳаётни сұғурталаш тармоғини, шу жумладан ҳаёт сұғуртасининг узоқ муддатли ва жамғариш турларини келгусида ривожлантириш мақсадида меъёрий-хуқуқий хужжатларга құшимча ва ўзгартишлар киритиб бориш;
- сұғурта ташкилотларининг сұғурта, молиявий ва воситачилик фаолиятлари бүйіча хужжатлар тақдим этилишининг ягона электрон тизимини шакллантириш;
- сұғурта ташкилотлари раҳбари ва бош бухгалтерларига қўйиладиган малака талабларини кучайтириш;
- келгусида сұғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида сұғурта бозори профессионал иштирокчилари: аджастерлар, сюрвейерлар, актуарийлар, асистанс хизматини қўрсатувчилар фаолиятини кенгайтириш каби устувор чора-тадбирлар.

Сұғурта хизматлари бозорини капиталлаштириш сұғурталовчилар тўлов қобилиятини ва улар амалга оширадиган операцияларнинг молиявий барқарорлигини оширишни таъминлайди. Шу билан бирга, республика сұғурта компаниялари капитал ҳажми бүйіча чет эл сұғурталовчиларидан анча орқадалиги ҳам миллий, ҳам халқаро сұғурта бозорларида рақобат масалаларида муаммоларга олиб келади. Шу сабабли, республика сұғурта компанияларини капиталлаштириш даражасини ошириш, халқаро меъёр ва стандартларга эришишгacha давом этиши керак.

Миллий сұғурта хизматлари бозорининг таркибий сиёсатидаги муаммо, ихтиёрий ва мажбурий сұғурта турлари нисбатидаги оптималлаштириш бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатлари шароитида мажбурий сұғурта хизматлари улушининг ортиши табиийдир, чунки айнан шунинг ҳисобидан сұғурта хизматлари бозорининг капиталлашуви жадаллашади. Миллий сұғурта хизматлари бозорининг барқарорлиги, ишончлилиги ва шаффоғлигини таъминлаш учун сұғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш зарур.

Жумладан, бизнинг фикримизча яқин келажақда мажбурий тиббий сұғурта, қишлоқ хўжалигини сұғурталаш, ташувчилар жавобгарлигини мажбурий сұғурталаш тўғрисида, экологик сұғурталаш тўғрисида, экспорт сұғуртаси тўғрисида қонунлар қабул қилиниши мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайды, ривожланган давлатларда сұғурта мукофотларини йиғишиш бўйича ҳаётни сұғурталаш етакчи ўринни эгаллайди, чунки у ҳар бир фуқаронинг ҳаётига чукур кириб борган. Шунинг учун ҳаётни сұғурталаш тармоғини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш зарур. Ҳаётни сұғурталаш сұғурта компанияларининг инвестиция имкониятларини оширади. Ҳаётни сұғурталашнинг узоқ муддатли турлари орқали иқтисодиётга пул маблағлари жалб қилинади, шу билан бирга инвестицион институтлар тизимини ривожлантиришга имкон яратади.

Мамлакатда ҳаётни сұғурталаш бозорини ривожлантиришдан янада манфаатдор бўлган субъект сифатида қуйидаги сабаблар бўйича давлат ҳам майдонга чиқади.

Биринчидан, умумдавлат муаммоларини ечишда маблағ излаб топиш муаммоси – биринчи даражали мұхим бўлган муаммодир. Ҳаётни суғурталаш узок муддатли кредит ресурсларининг манбаи ҳисобланган маблағларини жалб қилишга имкон беради.

Иккинчидан, ҳаётни суғурталаш ҳамда, пенсияга доир суғурта давлат тўловларига, жумладан, қарилек ва ногиронлик нафақаларига боғлиқ бўлмаган қўшимча даромадлар олишни таъминлайди. Шу орқали, давлат ахолининг энг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилишга имкон топади.

Учинчидан, ҳаётни суғурталашни ривожлантириш суғуртанинг мұхим тармоқларидан бири сифатида янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади. Чунки, халқаро тажриба ва стандартларга асосланган суғурта фаолиятини ўсиб бораётган ривожланиш доирасига жавоб берадиган қонуний тартибга солиш асосларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунинг учун, келажакдаги устувор йўналиш бўлиб, суғурта бозорининг мазкур иштирокчилари фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш ва ривожлантириш ҳисобланади. Инфратузилма суғурта ҳимоясини янги сифат стандартлари ва суғурта хизматига бўлган янги талаблар билан бойитиш учун хизмат қилувчи институт сифатида ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, қайд қилинган иштирокчилар суғурта хизмати сифатини яхшилашда ва уларни истеъмолчиларга кенгроқ етказишда мұхим рол йўнайди.

Суғурта хизматлари бозорини жадал ривожлантириш, уни жаҳон суғурта хўжалигига уйғунлашувини таъминлаш, суғурта бозори иштирокчилари сони ва сифатини кенгайтириш, суғурта хизматлари бозори инфратузилмасининг ҳукукий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, суғурта компаниялари даромадларининг асосий кисми инвестициялардан олинган даромадлар ташкил этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикада суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш суғурта хизматларини сотишдан олинган суғурта мукофотларини, суғурталовчиларни суғурта заҳираларини кўпайтиришга имкон беради, натижада ялпи ички маҳсулот таркибида суғурта хизматлари улуши янада ортади. Шунинг учун суғурта хизматлари бозори олдида турган мұхим вазифалар: мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларининг самарали тизимини ташкил этиш; замонавий инфратузилмани шакллантириш; суғурта хизматлари сифатини ошириш; кадрлар салоҳиятини яхшилаш; суғурта хизматларининг ишончлигини, барқарорлигини ва шаффоғлигини таъминлаш ушбу соҳани тараққий этишига шарт шароит яратиб беради.